

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**СОДДИҚОВ ФАТХИДДИН БУРХОНИДИНОВИЧ**

**ТЮБЕГАТАН ПАСТ НАВЛИ СИЛЬВИНИТИ ВА ГАЛИТЛИ  
ЧИҚИНДИСИНИ КАЛЬЦИНАЦИЯЛАНГАН ВА  
ОЗИҚ-ОВҚАТ СОДАСИГА КОМПЛЕКС ҚАЙТА  
ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

<b>Соддиқов Фатхиддин Бурхонидинович</b> Тюбегатан паст навли сильвинити ва галитли чиқиндисини кальцинацияланган ва озик-овқат содасига комплекс қайта ишлаш технологиясини яратиш.....	3
<b>Соддиқов Фатхиддин Бурхонидинович</b> Разработка технологии комплексной переработки галитовых отходов и низкосортных сильвинитов Тюбегатана на кальцинированную и пищевую соду.....	21
<b>Soddikov Fatkhiddin Burkhonidinovich</b> Working out of technology of complex processing halite waste and low- grade sylvinites of Tyubegatan to calcinated and baking soda.....	39
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	42

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**СОДИҚОВ ФАТХИДДИН БУРХОНИДИНОВИЧ**

**ТЮБЕГАТАН ПАСТ НАВЛИ СИЛЬВИНИТИ ВА ГАЛИТЛИ  
ЧИҚИНДИСИНИ КАЛЬЦИНАЦИЯЛАНГАН ВА  
ОЗИҚ-ОВҚАТ СОДАСИГА КОМПЛЕКС ҚАЙТА  
ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т431 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.iopx.uz](http://www.iopx.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзакулов Холтура Чорневич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оponentлар:**

**Сейтгазаров Атаназар Рейпгазарович**  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

**Кавибергенов Атабек Туленбергенович**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот**

**Фарғона политехника институту**

Диссертация химояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.КТ.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «26» декабрь 2018 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: [iopxanguz@mail.ru](mailto:iopxanguz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 - рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2018 йил «12» декабрь куни тарқатилди.  
(2018 йил «12» декабрдаги № 30 - рақамли реестр баённомаси).



**Б. С. Закиров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор.

**Д.С. Салиханова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котибси, т.ф.д.

**Абдурахимов, С.А.**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар йили кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Сода кимё саноатининг энг қадимги маҳсулотларидан бири ҳисобланади, соданинг иштирокисиз шиша, кимё, металлургия, целлюлоза-қоғоз саноатларини тасаввур этиб бўлмайди. Сода нефть-кимё ва нефтни қайта ишлаш саноатларида, синтетик ёғ кислоталари ва юувчи воситалар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Кислотали оқава сувларни нейтраллаш учун, улардан смоласимон ва органик бирикмаларни ажратиб олишда сода маҳсулотлари кўп миқдорда ишлатилади. Шунинг учун ишлаб чиқаришни кальцинацияланган сода билан етарли миқдорда таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида калий хлорид ишлаб чиқариш саноати чиқиндилари – паст навли сильвинит рудалари ва галитли чиқиндиларни кальцинацияланган содага комплекс қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш борасида куйидаги илмий ечимларни асослаш: бегона қўшимчалардан тозаланган натрий хлориднинг тўйинган эритмасини олиш; тозаланган эритмани натрий карбонат олиш йўли билан қайта ишлаш; Тюбегатан кони паст навли сильвинит рудалари ҳамда галитли чиқиндиларидан кальцинацияланган сода олиш ва ҳосил бўлган чиқинди эритмаларни қайта ишлашнинг мақбул шароитларини аниқлаш, самарадор технологиясини ишлаб чиқиш зарур.

Республикада кимё саноатидаги аниқ ва кенг қўламли чора-тадбирлар натижасида мавжуд ва янги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, хом ашё базасини маҳаллийлаштириш орқали импорт ўрнини босадиган янги маҳсулотлар олишга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «саноатни ривожлантириш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш...»<sup>1</sup> вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маҳаллий хом ашёлар асосида импорт ўрнини босадиган кимёвий маҳсулотлар, жумладан калий хлорид саноати чиқиндисидан кальцинацияланган сода олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сонли «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сонли «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори.

вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Озуқавий турли хил хомашёлар ва утилизацияланган галитли чиқиндилардан кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш бўйича дунёда қўплаб илмий-техник адабиётлар мавжуд.

Кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш масалалари билан Зайцев И.Д., Ткач Г.А., Стоев Н.Д., Крашенинников С.А., Мазунин С.А., Чечулин В.Л., Загидуллин Р.Н., Мухаметов А.А., Кузин Р.Е., Корнюшко В.Ф. ва бошқалар шуғулланишган.

Хомашё манбаларининг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятга эга ва улар бир-бирдан таркиби бўйича кескин фарқ қилади. Бу эса ҳар бир хомашё турига иқтисодий жиҳатдан қулай ва қайта ишлаш йўлларининг минтақа учун мақбул бўлган алоҳида илмий ва технологик ёндашишни тақазо этади. Илмий-техник адабиётларда мавжуд бўлган кальцинацияланган сода олиш бўйича маълумотларни паст навли сильвинитлар ва галитли чиқиндилардан кальцинацияланган сода олиш учун татбиқ этиб бўлмайди, чунки паст навли сильвинитлар ва галитли чиқиндиларнинг таркиби ва улардаги қўшимчалар миқдори бўйича саноат ишлаб чиқариши шароитида ишлатилаётган хомашё манбаларидан кескин фарқ қилади.

Адабиётларда Тюбегатан кони сильвинит рудаларининг таркиби бўйича, уларнинг захираси, ҳосил бўладиган галитли чиқиндилар таркиби ва миқдори ҳақида геолого-минералогик маълумотлар мавжуд. Лекин, калий хлорид ишлаб чиқариш чиқиндиси – паст навли сильвинит рудалари ва галитли чиқиндисини кальцинацияланган содага қайта ишлаш тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтини илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-2013-11 «Калий ишлаб чиқариш корхонасининг галитли чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини тажриба-саноатда ўзлаштириш ва жорий этиш» (2013-2014 йй) инновацион лойиҳа; ЎзР табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат комитети билан «Калий хлорид ишлаб чиқариш галитли чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини яратиш» № 01-10/13 рақамли тузилган шартнома (2013-2014 йй); А-12-017 «Калий хлориди ишлаб чиқариш корхонасини галитли ва сильвинитли чиқиндиларидан калцинацияланган сода олиш технологиясини яратиш» (2015-2017 йй) мавзуларидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тюбегатан кони паст навли сильвинит рудалари ва галитли чиқиндиларни кальцинацияланган содага қайта ишлашнинг самарадор технологиясини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Тюбегатан кони сильвинитларининг кимёвий ва минералогик таркибларини ўрганиш;

паст навли сильвинитлар ва галитли чиқиндиларнинг тўйинган эритмаларини кальций ва магнийдан тозалаш жараёнини тадқиқ қилиш;

паст навли сильвинитлар ва галитли чиқиндиларнинг тўйинган эритмаларини аммоний карбонат тузлари билан конверсиялаш, аммонийлаш ва карбонизациялаш жараёнини тадқиқ қилиш ҳамда оптимал технологик параметрларини аниқлаш;

қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган эритмалар, суспензиялар ва бўтқаларнинг реологик хоссаларини ўрганиш;

натрий бикарбонатни ажратиб олиш, қуритиш ва кальцинациялаш жараёнларини тадқиқ қилиш;

чиқинди эритмалар таркибини ўрганиш ва уларнинг комплекс қайта ишлаш усулларини топиш;

чиқинди эритмаларни қайта ишлашнинг оптимал технологик параметрларини аниқлаш ва уларни қайта ишлаш технологиясини яратиш;

паст навли сильвинитлар ва галитли чиқиндилардан кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш технологик схемаларини ишлаб чиқиш, моддий балансини тузиш, ишлаб чиқилган технологияларни дастлабки техник-иқтисодий самарадорлик ҳисобларини амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти Тюбегатан кони сильвинит рудалари, калий хлорид ишлаб чиқариш галитли чиқиндилари, натрий хлориднинг тўйинган эритмалари, натрий гидрокарбонат ва кальцинацияланган сода.

Тадқиқотнинг предмети Тюбегатан кони паст навли сильвинит рудалари ва галитли чиқиндиларидан тўйинган эритмалар олиш, олинган эритмаларни бегона моддалардан тозалаш, тозаланган эритмаларни аммиак ва карбонат ангидрид газлари иштирокида аммонизация, карбонизация қилиш, ҳосил бўлган натрий гидрокарбонатнинг кристалларини ажратиш, қуритиш, кальцинация қилиш, ажратиб олинган чиқинди эритмаларни қайта ишлаш жараёнларини тадқиқ этиш. Олинган натижалар асосида озик-овқат ва кальцинацияланган сода олиш технологиясини яратиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Кимёвий ва физик-кимёвий-рентгенофазавий, инфрақизил спектроскопия ва микроскопик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бора флотация машинасини қўллаган ҳолда галитли чиқиндиларни техник натрий хлоридга қайта ишлаш усули ишлаб чиқилган;

паст навли сильвинитлар ва галитли чиқиндилардан натрий хлориднинг бегона моддалардан тозаланган тўйинган эритмасини олишнинг оптимал технологик параметрлари яратилган;

натрий гидрокарбонат ҳамда тайёр маҳсулотнинг юқори унум билан олиш, қуритиш ва кальцинациялашнинг оптимал шароити аниқланган;

паст навли сильвинитлар ва галитли чиқиндиларни кальцинацияланган содага қайта ишлаш технологияси, ишлаб чиқаришнинг чиқинди эритмаларини қайта ишлаш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

Тюбегатан кони паст навли сильвинитлари ва калий хлорид ишлаб чиқариш галитли чиқиндиларидан кальцинацияланган ҳамда озик-овқат содасини олиш имконияти аниқланган;

“Дехқонобод калий заводи” МЧЖда галитли чиқиндиларни техник натрий хлоридга қайта ишлаш технологиясини татбиқ этиш кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш учун яроқли бўлган иккиламчи хом ашё олиш йўли билан калий хлорид ишлаб чиқариш саноати чиқиндиларини қайта ишлаш мумкинлиги исботланган;

Паст навли сильвинитлар ва галитли чиқиндилардан олинган, олдиндан тозаланган натрий хлориднинг тўйинган эритмасидан кальцинацияланган сода олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий [рентгенфазали, ИҚ-спектроскопик, микроскопик] таҳлил натижалари тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги ва уларнинг далолатномалари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Тюбегатан паст навли сильвинитлари ва калий хлорид ишлаб чиқариш галитли чиқиндиларини мамлакатимиз иқтисоди учун муҳим ва керакли бўлган кимёвий маҳсулот – кальцинацияланган сода ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** шундан иборатки, паст навли сильвинитлар ва галитли чиқиндиларни озик-овқат ҳамда кальцинацияланган содасига комплекс қайта ишлаш технологияси яратилган. Кальцинацияланган сода олиш учун яроқли бўлган техник натрий хлорид тузини ишлаб чиқариш жараёни флотация машинасини қўллаган ҳолда галитли чиқиндилардан фойдаланиш билан изохланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тюбегатан кони паст навли сильвинитлари ва калий хлорид ишлаб чиқариш галитли чиқиндиларни кальцинацияланган содага қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

натрий хлорид олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога патент олинган (№ IAP 05633, 2018 й.). Натижада шу усул кальцинацияланган, каустик содалар, магний хлорат олиш учун яроқли бўлган техник натрий хлорид олиш имконини берган;

флотация машинасини қўллаган ҳолда калий хлорид ишлаб чиқариш галитли чиқиндиларини техник натрий хлоридга қайта ишлаш технологияси «Дехқонобод калий заводи» МЧЖда амалиётга жорий этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 9 ноябрдаги 01/3-5055/А-сон



маълумотномаси). Натижада Тюбегетан кони паст навли сильвинитлари ва калий хлорид ишлаб чиқаришнинг галитли чиқиндиларини sanoat ишлаб чиқаришига жалб қилиш орқали озик-овқат ва кальцинацияланган сода олиш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 8 та мақола, жумладан 6 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, ҳамда 1 та ихтирога патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари шакллантирилган, тадқиқотнинг объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг амалиётга жорий этилиши баён қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш соҳасининг ҳозирги ҳолати» деб номланган биринчи бобда кальцинацияланган сода ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати, натрий гидрокарбонат ҳамда кальцинацияланган сода ишлаб чиқариш усуллари ва ҳажмлари баён этилган бўлиб, галит чиқиндилари ҳамда уларни қайта ишлаш ва утилизациялаш ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Адабиёт материаллари таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари шакллантирилган.

«Бошланғич, оралик ва тайёр маҳсулотлар тавсифи» деб номланган иккинчи боби Тюбегетан кони сильвинитлари ва калий хлорид ишлаб чиқариш галитли чиқиндиларига бағишланган, тадқиқотни ўтказишда ишлатилган сильвинитлар ва галитли чиқиндиларининг таркиби, тажрибаларни ўтказиш услублари, шунингдек кимёвий таҳлил ва физик-кимёвий тадқиқот усуллари келтирилган.

«Паст навли сильвинит рудаларидан кальцинацияланган сода олиш тадқиқоти» деб номланган учинчи боби Тюбегетан кони паст навли сильвинитларидан кальцинацияланган сода олиш тадқиқотига бағишланган.

Заррача ўлчамига боғлиқ ҳолда калий хлорид ва сувда эримайдиган қолдиқ (э.қ) бир текисда тақсимланмаган ва таркиби бўйича кескин фарқ қилади. Бошланғич сильвинит фракцияси ўлчами 0,9 дан 0,15 мм гача кичрайиб бориши билан калий хлорид миқдори таркибида 29,20% KCl

бўлган руда учун 31,3% дан 22,9% камаяди, э.к. улуши эса 3,0% дан 4,4% гача ортади ҳамда 21,5% KCl бўлган руда учун 23,0% дан 16,15% камаяди, э.к. улуши эса 2,44% дан 3,45% гача ортади. Худди шундай ўзгаришлар нисбатан кам миқдорда KCl бўлган рудаларда ҳам содир бўлади. Тадқиқот учун таркибида 11,06-34,74% KCl ва 2,41-4,10% э.к. бўлган 8 хил сильвинит намуналари таркиби ўрганилди.

Сильвинитларни сувда эрувчанлигини ўрганиш учун таркибида 11,06% (намуна 1), 15,33% (намуна 2), 24,44% (намуна 5) ва 34,74% (намуна 8) калий хлорид бўлган паст навли сильвинитлар намуналаридан фойдаланилди.

Тадқиқот хона ҳароратида (25°C), Қ:С нисбатга боғлиқ ҳолда атмосфера босимида ва 5 соат аралаштириш давомийлигида ўтказилди.

Бошланғич рудадаги калий хлорид ортиб бориши билан сильвинит намуналарининг максимал эрувчанлиги Қ:С нисбат 1:2,50 дан 1:2,15 гача ортади, бунда тўйинган эритмадаги калий хлорид миқдори 3,18% дан 11,11% гача ортади, натрий хлорид миқдори 24,07% дан 18,74% гача камаяди, бунда натрий хлорид миқдори Қ:С нисбат ўзгариши билан тўйинган эритмага мувофиқ келадиган максимум орқали ўтади, кальций ва магний хлоридларининг миқдори мувофиқ ҳолда 0,32% дан 0,72% гача ва 0,19% дан 0,51% гача ортади. Суяқ фазага туз унуми унинг умумий массасининг 95,84-97,50% ни ташкил этади.

Тиндириш жараёнини ўрганиш шуни кўрсатадики, сильвинит рудаларини сувда эритилишидан олинган маҳсулотларни тиниши дастлабки 15 минутда нисбатан жадал содир бўлади, сўнгра тиниш тезлиги пасаяди ва 40 минутдан сўнг тиниш тезлиги 20°C ҳароратда 1-намуна учун Қ:С-1:2 да 81,90% га, Қ:С-1:2,50 да 96,70% га, Қ:С-1:2,55 да 96,80% га етади.

Қ:С бошланғич нисбат ва ҳароратнинг қуюлган қисм филтрлаш тезлигига таъсири бўйича тадқиқот натижалари Қ:С нисбат ортиши билан эритма бўйича ҳам, чўкма бўйича ҳам филтрлаш тезлигининг пасайишини кўрсатди. Масалан, 20°C ҳароратда 1-намуна учун қуюлган чўкма бўйича филтрлаш тезлиги Қ:С бошланғич нисбати 1:2,0 бўлганда 1140,08 кг/м<sup>2</sup>-соатни, Қ:С=1:2,50 да бу кўрсаткич 814,88 кг/м<sup>2</sup>-соатни ва Қ:С-1:2,55 да 783,61 кг/м<sup>2</sup>-соатни ташкил этади.

Филтрлаш тезлигига сильвинит таркибидаги э.к. қатга таъсир кўрсатади. Масалан, эримайдиган қолдиқ миқдори 2,41-2,45% бўлганда эримайдиган қолдиқ миқдори 3,28-4,03% бўлгандагига нисбатан филтрлаш тезлиги юқори бўлади, бу ёмон филтрланадиган майда фракцияли эримайдиган қолдиқнинг кўп миқдорда ҳосил бўлиши билан изоҳланади. Ҳарорат 20 дан 80°C гача ортганда қуюлган чўкма бўйича ҳам, филтрат бўйича ҳам ва нам чўкма бўйича ҳам филтрланиш тезлиги ортади. Филтрлашнинг энг яхши тезлиги Қ:С=1:2,50 да кузатилади, бунда филтрлаш тезлиги 20-80°C ҳарорат оралиғида филтрат бўйича 757,51-1150,99 кг/м<sup>2</sup>-соатни, нам чўкма бўйича 57,37-87,17 кг/м<sup>2</sup>-соатни ташкил этади.

Тўйинган эритмалардан ажратиб олинган қаттиқ фазанинг таҳлили шуни кўрсатадики, у 96,60-97,07% э.к. иборат бўлади. Натрий хлорид

микдори 2,05-2,54%, калий хлорид микдори эса 0,34-1,22% ни ташкил этади. Кальций ва магний хлоридлари 0,1% дан ошмайди. Э.к. унуми сільвинитдаги бошланғич микдорига нисбатан 2,50 - 4,16% ни ташкил қилади.

Сільвинит эритмаларини кальций ва магний ионларидан тозалаш учун ишқор-содали усул қўлланилди, унинг моҳияти магний ионларини кальций гидроксид билан, ортиқча кальций ионларини эса кальцинацияланган сода билан чўктириш ҳисобланади.

Қўшиладиган кальций оксид ва натрий карбонат микдори  $MgO:CaO$  и  $CaO:CO_2$  нисбат орқали аниқланади. Биринчи босқичда сільвинитнинг тўйинган эритмасига аралаштириб турган ҳолда магний гидроксидни чўктириш учун 1:1 моль нисбатида кальций оксид қўшилди. Сўнгра 5 дақиқадан сўнг эритмага  $CaO:CO_2=1:1,05$  моль нисбатгача кальцинацияланган сода қўшилди.

Ишқор-содали усул билан олинган тозаланган эритмалар таркибида фақат натрий ва калий хлоридлари бўлади ҳамда кальций ва магний хлоридлари амалда бўлмайди. Тозаланган тўйинган эритмалар унуми сільвинит рудасининг турига боғлиқ ҳолда унинг умумий массасининг 98,36-99,35% ни ташкил этади. Паст навли сільвинит турига боғлиқ ҳолда натрий хлорид микдори 20,10-24,62%, калий хлорид микдори эса 3,18-11,10% ни ташкил этади (1-жадвал).

1-жадвал

$MgO:CaO=1:1$  ва  $CaO:CO_2=1:1,05$  нисбатида тозалангандан сўнг паст навли сільвинитлар тўйинган эритмаларининг кимёвий таркиби

Намуна	Қ:С	Тозалангандан сўнг суяқ фаза таркиби, оғир., %					Унум, %
		NaCl	KCl	CaCl <sub>2</sub>	MgCl <sub>2</sub>	H <sub>2</sub> O	
1	1:2,50	24,62	3,18	—	—	72,20	99,35
2	1:2,43	23,66	4,51	—	—	71,83	98,99
5	1:2,20	22,31	7,72	—	—	69,97	98,83
8	1:2,15	20,10	11,10	—	—	68,83	98,36


Суспензия заррачаларининг чўкиши секин содир бўлади ва 60 дақиқадан сўнг тиниш даражаси сільвинит намунасига боғлиқ ҳолда 68,00-89,26% ни ташкил этади. 1-намунада кальций карбонат ва магний гидроксидларнинг тўлиқ чўкиш вақти 20°C ҳароратда 110 дақиқадан кейин, 40°C ҳароратда 90 дақиқадан кейин ва 60°C ҳароратда 70 дақиқадан кейин кузатилади.

Намуна рақами ортиб бориши билан тиниш тезлигини пасайишини сільвинитдаги магний микдорининг кўпайиши ва шунга мувофиқ ҳолда қийин чўкадиган ҳамда амалда натрий ва калий хлоридлар микдорига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳосил бўладиган магний гидроксиди микдори билан изохланади.

Ҳарорат 20°C дан 60°C гача ортиши билан куюлган чўкмани филтрлаш тезлиги суспензия учун 615,00 кг/м<sup>2</sup>-соатдан 858,87 кг/м<sup>2</sup>-соатгача, филтрат бўйича 610,96 кг/м<sup>2</sup>-соатдан 853,23 кг/м<sup>2</sup>-соатгача ортади. Эритмалардаги магний микдори ортганда филтрлаш тезлиги пасаяди.

Қаттиқ фаза таркибида 2,22-2,62% натрий хлорид, 18,59-20,08% магний гидроксид ва 76,47-78,45% кальций карбонат бўлади.

Системанинг фазали диаграмма ҳолатида визуал-политермик усул билан [10,0-30% KCl + 90,0-70% NaCl] – NH<sub>4</sub>HCO<sub>3</sub> – H<sub>2</sub>O системаларини ўрганиш натижасида муз, бир ва икки сувли натрий хлорид, натрий ва аммоний бикарбонатларининг кристалланиш соҳаси аниқланди (1-расм). Учлик системанинг учта тугун нуқтаси белгиланди, учта турли ҳил қаттиқ фазаларни биргаликда кристалланиши кузатилди. Уларнинг таркиби ва кристалланиш ҳарорати аниқланди.



1- расм. [30,0% KCl + 70,0% NaCl] – NH<sub>4</sub>HCO<sub>3</sub>, H<sub>2</sub>O системанинг политермик эрувчанлик диаграммаси.

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ўрганилган системаларда алоҳида қаттиқ фаза сифатида ушбу системалар учун янги бирикма – натрий бикарбонат ҳосил бўлади. Системада KCl миқдорини ортиши натрий гидрокарбонат чиқимини ортишига сабаб бўлади, бу KCl таъсирида тузланишни англалади.

Системанинг бошқа компонентларига нисбатан натрий бикарбонатнинг эрувчанлиги жуда кам бўлади ва шунинг учун алоҳида қаттиқ фаза сифатида у осон

кристалланиши ва унинг кристалланиш соҳаси политермик диаграмманинг асосий қисмини эгаллайди. Бу калий ва натрий хлоридлари аралашмасининг сувли эритмасига аммоний бикарбонат қўшиш йўли билан натрий бикарбонат ажратиб олиниши, сўнгра ундан кальцинацияланган сода олиш мумкинлигини кўрсатади.

Натрий хлорид тозаланган эритмасини бир вақтнинг ўзида аммонийлаш ва аммоний карбонат тузлари билан карбонизациялаш бўйича тадқиқотларда Na<sub>2</sub>O:NH<sub>3</sub>:CO<sub>2</sub> моль нисбати 1:1,12:0,8 дан 1:2,11:1,50 гача ортиши натижасида натрий хлориднинг аммоний карбонат ва бикарбонатлари билан аралашмасида № 8 намуна учун конверсия даражаси 72,20 дан 81,76% гача ортади. Na<sub>2</sub>O:NH<sub>3</sub>:CO<sub>2</sub> моль нисбати 1:1,47:1,05 бўлганда конверсия даражаси 81,66% га етади.

Моль нисбатининг янада оширилиши конверсия даражасига амалда таъсир кўрсатмайди. Қаттиқ фазадаги натрий карбонат миқдори 99,62% дан кўп бўлади ва моль нисбати ортганда оз миқдорда пасаяди.


Аммонийлаштириш ва карбонизациялашни алоҳида ўтказиш бўйича тадқиқот шуни кўрсатдики, бунда Na<sub>2</sub>O:NH<sub>3</sub>=1:1,20 нисбатгача қаттиқ фаза ҳосил бўлмайди. Эритмада калий хлорид миқдори ортиб бориши билан юқоридидаги нисбат 1:1,30 ва 1:1,50 гача камаydi. Аммиак улуши ортиб бориши билан суяқ фазада натрий ва калий хлоридлари миқдори камаydi. Масалан № 1 намунада Na<sub>2</sub>O:NH<sub>3</sub> нисбат 1:0,80 дан 1:2,50 гача ортаганда натрий хлорид миқдори 23,29% дан 20,24% гача, калий хлорид миқдори

3,01% дан 1,69% гача камаяди. Бунда аммиак микдори 5,41% дан 15,50 % гача, рН эса 11,50 дан 12,21 гача ортади.

Ҳосил бўладиган қаттиқ фаза таркиби ҳам сезиларли ўзгаради.  $\text{NaCl}:\text{NH}_3=1:1,20$  нисбатда натрий хлорид улуши 87,75% дан 1:2,50 нисбатда 50,80% гача камаяди. Мувофиқ равишда калий хлоридни эритмадаги умумий улушидан қаттиқ фазага ўтиш даражаси  $\text{NaCl}:\text{NH}_3=1:1,20$  нисбатдан 1:2,0 нисбатгача 3,60% дан 43,11% гача ортади, сўнгра  $\text{NaCl}:\text{NH}_3=1:2,0$  нисбатдан 1:2,5 нисбатгача 43,11% дан 38,53% гача камаяди, бу суяқ фазада аммиак микдори 12,85% дан кўп ортганда калий хлорид эришининг қайтар жараёни содир бўлишини кўрсатади.

Суяқ ва қаттиқ фазалар таркиблари ўзгаришидаги ўхшаш қонуният бошқа намуналарда ҳам кузатилади.

Аммонийлашган эритмаларни карбонизациялаш бўйича тадқиқотлар натижаларига кўра,  $\text{Na}_2\text{O}:\text{NH}_3:\text{CO}_2$  нисбат 1:0,8:0,8 дан 1:1,30:1,30 гача ортганда  $\text{NaCl}$  нинг  $\text{NaHCO}_3$  га конверсия даражаси маълум чегарагача ортади. Масалан,  $\text{Na}_2\text{O}:\text{NH}_3:\text{CO}_2=1:1,15:1,05$  нисбатда конверсия даражаси № 1-намуна учун 80,84%, № 2-намуна учун 81,75%, № 5-намуна учун 82,20% ва № 8-намуна учун 82,80% бўлади. Бу шуни кўрсатадики, натрий бикарбонат олиш учун  $\text{Na}_2\text{O}:\text{NH}_3:\text{CO}_2=1:1,15:1,05$  нисбатни ушлаб туриш етарли бўлади. Аммонийлаш даражасини ошириш натрий ва калий хлоридлар чўкмасини ажралишига, карбонизациялаш жараёнини ошириш эса  $\text{CO}_2$  ни йўқотилишига олиб келади. Бунда натрий бикарбонат унуми 76,20% дан 76,77% гачани ташкил этади. Ажратиб олинган натрий бикарбонат таркибида  $\text{NaCl}$ ,  $\text{KCl}$ ,  $\text{NH}_4\text{HCO}_3$ , эрмайдиган қолдиқ бўлади. Намлик 13,69% дан 14,37% гача ўзгаради.



2- расм.  $\text{NaCl}:\text{NH}_3=1:1,15$  нисбатда аммонийлашган натрий хлорид эритмасини карбонизациялаш даражасига рН муҳитининг таъсири

Барча намуналар учун  $\text{Na}_2\text{O}:\text{NH}_3=1:1,15$  нисбатдаги аммонийлашган эритмани карбонизациялаш даражасига рН муҳитининг таъсири бўйича тузилган номограмма рНнинг ўзгармас қийматига эришганда, карбонизациялаш жараёни яқунланганини аниқлашга ёрдам беради (2-расм).

2-жадвалда  $\text{Na}_2\text{O}:\text{NH}_3:\text{CO}_2=1:1,15:1,05$  моль нисбатида 1-, 2-, 5- ва 8- намуналардан олинган натрий гидрокарбонатнинг кимёвий

таркиби маълумотлари келтирилган. Маҳсулотнинг тозалик даражаси 99,76-99,78% ни ташкил этади. Калий хлорид 0,014-0,042%, натрий хлорид 0,172-0,181% ва э.к. 0,026-0,027% асосий қўшимчалар ҳисобланади. Маҳсулот микдорий ва сифат кўрсаткичлари бўйича озуқавий сода учун ДАСТ 32802-2014 талабларига мувофиқ келади. Натрий гидрокарбонатдан олинган натрий карбонат таркибида 99,62-99,65% асосий модда бўлади (3-жадвал).

Қўшимчалар миқдори натрий гидрокарбонатга нисбатан кўпроқ 0,022-0,066% KCl, 0,273-0,286% NaCl ва 0,041-0,042% э.к бўлади.

2-жадвал

$\text{Na}_2\text{O}:\text{NH}_3:\text{CO}_2=1:1,15:1,05$  моль нисбатда ажратиб олинган натрий гидрокарбонати кимёвий таркиби

№	Намуна	Кимёвий таркиб, огир., %				Конверсия даражаси, %	NaHCO <sub>3</sub> унуми, %
		NaHCO <sub>3</sub>	KCl	NaCl	э.к.		
1	1	99,78	0,014	0,181	0,027	80,84	76,20
2	2	99,77	0,023	0,178	0,027	81,65	76,62
3	5	99,77	0,033	0,175	0,026	82,20	76,76
4	8	99,76	0,042	0,172	0,026	82,80	76,77

3-жадвал

$\text{Na}_2\text{O}:\text{NH}_3:\text{CO}_2=1:1,15:1,05$  моль нисбатда ажратиб олинган натрий карбонат кимёвий таркиби

№	Намуна	Кимёвий таркиб, огир., %				Конверсия даражаси, %	Na <sub>2</sub> CO <sub>3</sub> унуми, %
		Na <sub>2</sub> CO <sub>3</sub>	KCl	NaCl	э.к.		
1	1	99,65	0,022	0,286	0,042	80,84	76,20
2	2	99,64	0,037	0,281	0,042	81,65	76,62
3	5	99,63	0,052	0,277	0,041	82,20	76,76
4	8	99,62	0,066	0,273	0,041	82,80	76,77

Натрий бикарбонат ажратилгандан сўнг таркибида натрий, калий, аммоний хлоридлари, NH<sub>4</sub>HCO<sub>3</sub> ва NH<sub>3</sub> бўлган чиқинди эритма ҳосил бўлади (4-жадвал).



4-жадвал

$\text{Na}_2\text{O}:\text{NH}_3:\text{CO}_2=1:1,15:1,05$  нисбатда конверсияланган сўнг чиқинди эритма кимёвий таркиби

№	Намуна	Кимёвий таркиб, огир., %					
		NaCl	KCl	NaHCO <sub>3</sub>	NH <sub>4</sub> Cl	CO <sub>2</sub>	NH <sub>3</sub>
1	1	4,67	3,18	1,78	18,07	3,85	2,20
2	2	4,24	4,51	1,85	17,55	3,56	2,06
3	5	3,89	7,73	1,88	16,67	3,27	1,91
4	8	3,34	11,12	1,86	15,19	2,86	1,69

3-4,5% KCl ди бўлган чиқинди эритма таркибидаги аммиакни регенерация қилгандан сўнг ташлаб юборилади, таркибида 7,73-11,12% KCl ди бўлган чиқинди эритма эса қуйидаги тизим бўйича қайта ишланади. Аммиак ва карбонат ангидридни карбонизация жараёнига қайтариш мақсадида чиқинди эритма 80°C ҳароратда уни таркибидаги NH<sub>4</sub>HCO<sub>3</sub> ва NH<sub>3</sub> кўринишида бўлган аммиак ва карбонат ангидридни ажратишгача буғлатилади. Натижада таркибида парчаланмайдиган бирикмалар бўлган эритма ҳосил бўлади. Унинг асосий компонентлари калий, натрий ва аммоний хлоридлари, шунингдек натрий бикарбонат ҳисобланади.

Эритмани натрий бикарбонатдан тозалаш учун натрий бикарбонатни боғлашга талаб этиладиган миқдорда кальций оксид қўшилади:



Бунда кальций оксид сув билан таъсирлашиб кальций гидроксид ҳосил қилади, у аммоний хлорид билан таъсирлашиши натижасида кальций хлорид ҳосил бўлади, ҳосил бўлган кальций хлорид натрий бикарбонат билан таъсирлашиши натижасида эса кальций карбонат ҳосил қилади. Кальций карбонат ажратиб олингандан сўнг таркибида 4,93-6,38% натрий, 3,43-11,82% калий ва 14,88- 18,28% аммоний хлоридлари бўлган эритма олинади.

Кальций карбонатнинг ювилмаган нам чўкмаси таркибида 89,87-90,16% асосий модда, 6,73-7,29% намлик ҳамда оз миқдорда натрий, калий ва аммоний хлоридлари бўлади (5-жадвал).

5-жадвал

### Кальций карбонат чўкмасининг кимёвий таркиби


№	Намуна	Кимёвий таркиб, оғир., %				
		KCl	NaCl	NH <sub>4</sub> Cl	CaCO <sub>3</sub>	H <sub>2</sub> O
Ювилмаган нам CaCO <sub>3</sub>						
1	1	0,35	0,65	1,85	89,87	7,29
2	2	0,49	0,60	1,78	89,89	7,24
3	5	0,83	0,56	1,66	89,96	6,99
4	8	1,16	0,49	1,47	90,16	6,73
Ювилмаган қуруқ CaCO <sub>3</sub>						
5	1	0,38	0,70	2,00	96,93	-
6	2	0,53	0,65	1,92	96,91	-
7	5	0,89	0,60	1,79	96,72	-
8	8	1,25	0,52	1,57	96,66	-

Ювилмаган нам кальций карбонатнинг қуритилган намуналари таркибида 96,66-96,93% асосий модда ҳамда калий, натрий ва аммоний хлоридлари қўшимчаси бўлади.

Сув билан ювилган кальций карбонат қуритилгандан кейин таркиби 99,80% дан кам бўлмаган кальций карбонатдан иборат бўлади.

Кальций карбонат ажратилгандан кейин таркибида калий, натрий ва аммоний хлоридлари бўлган суюқ фаза буглатилди. Бугланадиган сув миқдори ортиб бориши билан калий ва натрий хлоридлари миқдори ортиб боради, аммоний хлорид миқдори эса камаydi. Ўтказилган тадқиқотлар асосида натрий ва калий хлоридлари қўшимчаси бўлмаган аммоний хлорид ажратиб олинadиган шарoитлар танланди ҳамда таркибида 5,51-10,19% калий хлорид, 9,33-10,24% натрий хлорид ва 14,04-16,85% аммоний хлорид бўлган тўйинган эритма олинди. Чикинди эритма қуритилгандан ва 350°C ҳароратда термик ишлов берилгандан сўнг таркибида 34,98% дан 52,20% гача калий хлорид ва 47,80% дан 65,02% гача натрий хлорид бўлган маҳсулот олинди, унинг таркиби юқори сифатли сильвинитга мувофиқ келади ва уни калий хлорид ишлаб чиқаришида ишлатиш мумкин.

3-расмда Тубегатан кони паст навли сильвинитларидан кальцинацияланган сода олиш ва ҳосил бўлган чикинди эритмаларини қайта ишлаш технологик тизими келтирилган.



**3-расм. Паст навли сільвинитлардан кальцинацияланган сода олиш технологик тизими**

Бошқа вариант бўйича таркибида 10-15% калий хлорид тутган паст навли сільвинит рудаларини натрий хлориднинг тўйинган эритмаси билан бойитилади, қуйқа қисми ажратиб олинади, суюқ қисми эса калий хлорид ишлаб чиқаришга қайтарилади. Қуйқа қисми натрий хлориддан иборат бўлиб, уни кальцинацияланган содага қайта ишланади.

Паст навли сільвинитлардан юқори самарадорликга эга бўлган кальцинацияланган сода ишлаб чиқаришнинг дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблари шуни кўрсатдики, таркибида 10-25% KCl тутган рудалардан 100 минг т кальцинацияланган сода ишлаб чиқарилганда иқтисодий самарадорлик 9,015 млрд сўмни ва ҳосил бўлган чикинди эритмаларни қайта ишлаш орқали иқтисодий самарадорлик 16,624 млрд сўмни ташкил этди.

«Галитли чикиндилардан кальцинацияланган сода олиш бўйича тадқиқотлар» деб номланган тўртинчи боб калий хлорид ишлаб чиқариш галитли чикиндиларидан кальцинацияланган сода олиш тадқиқотларига бағишланган.

Галитли чикиндилар таркибида 6-7% гача калий хлорид бўлади. Уларни таркибидаги KCl ни камлигини эътиборга олиб, флотация машинасини қўллаган ҳолда галитли чикинди тўйинган эритмасида калий хлоридни эритиш йўли билан техник натрий хлорид олиш технологияси яратилди. Технология «Дехқонобод калий заводи» МЧЖга татбиқ этилди ва патент билан ҳимояланди. Кейинги тадқиқотлар учун қуруқ моддага ҳисоблаганда таркибида  $\text{Na}_2\text{O}$  – 48,54%;  $\text{K}_2\text{O}$  – 2,65%;  $\text{CaO}$  – 0,34%;  $\text{Cl}^-$  – 57,59%;  $\text{SO}_4^{2-}$  – 0,58%; э.қ – 3,08% бўлган галитли чикиндидан саноат ишлаб чиқариш шароитида олинган ва таркибида  $\text{Na}_2\text{O}$  – 50,45%;  $\text{K}_2\text{O}$  – 0,35%;  $\text{CaO}$  – 0,33%;  $\text{Cl}^-$  – 58,04%;  $\text{SO}_4^{2-}$  – 0,56%; э.қ – 3,06% бўлган техник натрий хлориддан фойдаланилди.

Қ:С нисбат 1:2 дан 1:3 гача ўзгарганда техник натрий хлоридни сувда эрувчанлигини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, бунда Қ:С нисбат 1:3,0 дан 1:2,0 гача ортганда натрий оксид микдори Қ:С=1:2,5 да 12,71% дан 14,03%



